

“Тұрақүргөн ИЭС қуриш

Дирекцияси”УК

Бош директори

И.С.Басидов



“30

12

2021

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**2022 йил бажариладиган ишлар**

**Тұрақүргөн- 2021**

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ**

##### **1. Танлов предмети:**

"Метрологик хизмат кўрсатиш бўйича ишларни (хизматларни) бажариш учун назорат ўлчаш асбоблари, ТЖАБТ ларини эксплуатасия қилиш жароёнида амалий техник ёрдам кўрсатишиносий, ёрдамчи асбоб ускуналар (ўлчов асбоблари, электр, пневматик ва гидравлик актуаторлар, ЗРА ва бошқалар) ва автоматлаштирилган технологик бошқарув тизимлари (ПТК, ДСС) нинг ишлаши пайтида пудратчилар томон идан БГЖ1, БГЖ2 умумий станция ускуналарини ишлатиш жараёнида амалий техник ёрдам кўрсатиш.

Танлов нархи : 1 751846198,72 (бир миллиард етти юз елик бир минг саккиз юз қирқ олти миллион бир юз тўқсон саккиз минг етмиш икки ) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар абул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 365 календар куни.

1.5 Ишларни бошлаш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

#### **2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1."Тўракўрғон ИЭС қуриш дирекцияси" УК (бундан кейин "Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

"Буюртмачи" маизили:, Наманган вилояти. Тўракўрғон тумани Яндана Қ.ФЙ, Кумидон МФЙ.

Эл.адрес: [turies@tpp.uz](mailto:turies@tpp.uz)

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### **2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш зарур бўлган меҳнат ресурслари ва малакали мутахассисларнинг мавжудлиги; реле химоя ускуналарида ишлари олиб бориш учун зарур асбоб ускуналар, машина ва механизmlар мавжудлиги;
- Замонавий синов ва калибрлаш ускуналар хамда ўлчов воситаларини

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш зарур бўлган меҳнат ресурслари ва малакали мутахассисларнинг мавжудлиги; реле химоя ускуналарида ишлари олиб бориш учун зарур асбоб ускуналар, машина ва механизмлар мавжудлиги;
- Замонавий синов ва калибрлаш ускуналар хамда ўлчов воситаларини мавжудлиги;
- Назорат ўлчов асбобларини синаш ва калибрлаш учун универсал қурилмаси;
- Автоматик бошқарув қурилмаларини диагностикаси учун универсал синов қурилмаси EMERSON HART Komunikator харт протокол билан ишлайдиган;
- EMERSON HART Komunikator харт протокол билан ишлайдиган, асосий ва ёрдамчи электр қурилмаларни синаш учун универсал синов комплекти;
- Назорат ўлчов асбобларини калибрровка қилиш ва синаш учун маҳсус сертификатга эга босим хосил қиласидиган ускуна;
- Қиёслаш ва синаш учун 0.001 аниқлик синфига мансуб ўлчов воситалари;
- BENTLY NEVADA Тебранишларни аниқловчи юқори аниқлик вва тезликда ишлайдиган қиёслаш ва ўлчаш ускуналари.
- Қиёслаш ва синаш учун маҳсус сертификатга эга булиши;
- Керакли синов ва калибрлаш ускуналари, хақиқий текшириш (калибрлаш) билан ўлчаш воситаларини иш жараёнида қуллаш.
- Бажарилган ишларни меъёрий хужжатлар талабига мувофиқлиги;
- объектига хос объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилгай иш хажмлари тўғрисида маълумотлар;
- танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (100 фоиздан кам бўлмаган холда);

3.3. Танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга ёки гувохномага эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz))

) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қиём, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар қўрсатилиши керак;

Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ қўрсаткичлар қўрсатилган бўлиши керак.

4.4 Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади;

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққоилийгига жавобгар бўлади;

- - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабарини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларий аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва туғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишилар киритиш тўғрисида танловда ишгирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга қакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йул қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишилар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қўрсатилгаи ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишилар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришилар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Танловнинг исталгац иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов

натижаларига доир түшунтиришларии тақдим этиш түгрисида сўров юборишига хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли түшунтиришларни тақдим этиши шарт.


6.4 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда кўрсагилган шартлар асосида тузилади.

Молия ва иқтисод буйича

бosh директор ўринбосари

Юрисконсульт

ЭТЖ ва АБТ РТ цехи бошлиги



И.Ахмадалиев

Б. Хидиров

Р. Абуталипов